

## PEDAGOGICAL BASIS OF CONTINUOUS DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS OF SPECIALIZED EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Habib Ogaev

He is an independent researcher at Bukhara State University

### Annotation:

The article analyzes the pedagogical foundations of the development of professional competence of teachers of secondary special schools.

**Key words:** modernized education, professional, scientific and methodological training, educational content, innovative activity, professional skills, pedagogical activity.

Ўзбекистон Республикасида оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар, илм фан, техника, технологиялар соҳасидаги ривожланиш ва ахборотлар глобаллашуви жараёнида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш асосида уларни модернизациялашган таълим шароитида ишлашга тайёрлаш масаласи бутунги кунда таълим тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш устивор вазифа сифатида белгиланган.

**Зеро, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”.** Шу нуқтаи назардан ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари педагог кадрларнинг эҳтиёжга асосланган малака ошириш тизимини такомиллаштириш, малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари амалиётга тўлиқ жорий этилишини таъминлаш ва мониторингини амалга ошириш муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари педагог кадрларнинг бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш, уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш компетентлигини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради. Касбий тайёргарликка замонавий талаблар умумий ва касбий билим, кўникма ва малакаларнинг яхлит тизимини, муҳим касбий компетенцияларни шакллантиришни тақозо этади. Бу таълим жараёнини модернизациялашнинг сифатини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади. Бугунги кунда педагогика соҳасида “компетентлик”, “компетенция”, “компетентлилик” тушунчалари фаолиятимизга кенг қўлланилмоқда.

Таълимда компетентлик ёндашувнинг вужудга келиш тарихига оид материалларга эътибор қилинса (1960—1970 йиллар), бу даврда илк бор “компетентлик” сўзи илмий адабиётларга кириб кела бошлади. Д.Хаймс томонидан, “коммуникатив компетентлик” тушунчаси



киритилган. Ж.Равеннинг 1984 йилда chop этилган “Замонавий жамиятда компетентлик” номли асарида компетентликка кенг таъриф берилган. Яъни, “у жуда кўп миқдордаги компонентлардан ташкил топган бўлиб, улардан кўпчилиги бир-бирига нисбатан мустақилдир..., айрим компонентлар кўпроқ когнитив соҳага тегишлидир, бошқалари – эмоционал соҳага тегишли. Бу компонентлар ўз-ўзини самарали бошқаришда бир-бирини тўлдириши мумкин”, де таъкидлайди.

Илмий педагогик манбаларда компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажм, ҳам таркибига кўра, маъно ва мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир.

“Competence” сўзи “to compete” сўздан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоқга лаёқатлилиқ” маъносини беради.

Компетентлик – шахс хусусиятлари ва ҳолатининг мураккаб мажмуи бўлиб, маълум соҳадаги билим, кўникма ва тажрибани мужассамлаштириш, инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ёки ўзи қарор қабул қилиш имконини беради. Компетентлик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар, малакалар, лаёқатлар) бўлиб, белгиланган ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020. йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим –тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармони.